O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 20 апрель, № 77 (4230) Жума

# ЎЗБЕКИСТОН–МИСР: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17-19 апрель кунлари расмий ташриф билан Миср Араб Республикасида бўлди*



## Қадимий дўстликришталари

Миср кишини бирданига ҳайратга солади. Миср маданияти, давлатчилиги юзага келган даврларни аниқлаш борасидаги илмий тадқиқотларнинг хулосалари, беозор айтганда, жуда нисбий бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов Қоҳира сафари олдидан журналистларга берган интервьюсида буни алоҳида таъкидлади: Миср — маданиятнинг, давлатчиликнинг энг қадимий маркази.

Мисрни Нил неъмати деб атайдилар. Дунёдаги энг узун дарё, ушбу ўлкадаги ҳаёт манбаи бўлган Нилда сув миқёсини ўлчайдиган иншоотни улуғ аллома, ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний бунёд этган.

Ўзбекистон билан Миср халқларининг бундай тарихий яқинлиги ва ҳамкорлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қадимги Шарқнинг фанлар академияси бўлган "Байтул ҳикма"да ижод этган ватандошларимиз – буюк алломаларнинг аксарияти Мисрга бориб, маҳаллий халқнинг илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган. Бошқача айтганда, Ўзбекистон билан Мисрнинг бугунги дўстлигига, халқларимизнинг бугунги ҳамкорлигига аждодларимиз асос солганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига расмий ташрифи мана шу азалий алоқаларни ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янгича асосда равнақ топтиришга бағишланди.

Мисрда Ўзбекистонга эҳтиром нечоғли катта, мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш нақадар кучли эканлигига бир мисол билан ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ўзбекистон мустақиллигини араб давлатлари орасида биринчи бўлиб Миср тан олди. У биринчилар қаторида Ўзбекистон билан дипломатия муносабатлари ўрнатиб, юртимизда элчихона очди. Энг муҳими — янги, мустақил Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг илк хорижий сафарларидан бири ҳам айнан Мисрга расмий ташрифи бўлди.

Ўзбекистон билан Мисрнинг тарихий, маданий, маърифий муштараклиги кўп. Ислом Каримов айтганидек, халқларимизнинг дунёқараши ҳам бир-бирига яқин. Айни пайтда геосиёсат ва геостратегия мамлакатларимиз ўртасида ўхшашлик яна ҳам кўп эканлигини кўрсатмоқда. Мамлакатларимиз қадимда Буюк Ипак йўлининг асосий тармоқлари бўлган. Жануби-шарқий Осиё, МДҲ, Европа мамлакатларини туташтирувчи транспорт коммуникациялари Ўзбекистондан ўтади. Марказий Осиёнинг табиий бойликлари, энергетик захиралари янги коммуникация тармоқларини барпо этиш, янги йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш учун омил бўлмоқда. Миср эса қуруқликда Африка билан Осиёни, сув йўллари орқали Осиё-Тинч океани минтақаси билан Европани боғлайди. Шу боис Ўзбекистон ва Миср минтақавий ҳамда халқаро сиёсатда муҳим ўрин тутувчи мамлакатлар сирасига киради.

## Самарали музокаралар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак ўртасидаги музокаралар ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида, ишчан кайфиятда ўтди. Президентлар икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Музокараларда Ўзбекистон билан Миср ўртасида сиёсий, ижтимоий-маданий алоқалар изчил ривожланаётгани таъкидланди. Савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун икки мамлакатда ҳам улкан имкониятлар мавжудлигини назарда тутган ҳолда, бу борадаги алоқаларнинг устувор йўналишлари хусусида фикр юритилди.

Мамлакатларимизнинг сиёсий соҳадаги ҳамкорлиги юксак даражада ривожлангани, аввало, Ўзбекистон ва Миср раҳбарларининг дунёда кечаётган сиёсий жараёнларга, ўзаро муносабатларга доир масалаларга ёндашувларининг ўхшаш ёки яқин эканлиги билан изоҳланади.

Гуманитар ҳамкорлик – тарихий муштараклик тақозоси. Хусусан, таълим соҳасидаги алоқалар жуда фаол. Икки мамлакат кадрлар тайёрлашда бир-бирига кўмак бераётир. Ўзбекистон ва Миср олий ўқув юртлари ўртасида йигирмадан зиёд ҳамкорлик битими имзоланган.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги алоқалар изчил ривожланаётир. Фармацевтика соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришдан икки мамлакат ҳам бирдай манфаатдор. Ўзбекистон мустақиллик йилларида бу соҳани фаол ўзлаштирди ва жадал ривожлантирмоқда. Миср ҳам фармацевтика соҳасида катта салоҳият ва бой тажрибага эга. Биргаликда фармацевтика корхоналарини очиш орқали мамлакатларимиз Марказий Осиё ва умуман МДҲ бозорларининг салмоқли қисмини эгаллаши мумкин. Айни пайтда бу йўналишда саккизта лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Яна бир муҳим соҳа — сайёҳликдир. Ўзбекистонликлар учун Мисрнинг тарихий обидалари, хусусан, эҳромлар қанчалик жозибадор бўлса, мисрликлар учун Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳонуддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби алломалар ватани бўлган Ўзбекистоннинг осори атиқаларини, муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиш шунчалар эъзозлидир. Миср томони Ўзбекистонда аждодлар меросини тиклаш борасидаги ишларни юксак қадрлайди. Ўзбекистон учун сайёҳлик соҳасида хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришда Миср билан ҳамкорлик қилиш фойдалидир.

Иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Жорий йил март ойида Тошкентда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Миср ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Икки томонлама ҳамкорликнинг улкан имкониятларини намойиш этган ушбу анжуман якунида савдо алоқаларини ривожлантириш, хусусан, Мисрга кўплаб турдаги маҳсулотлар, жумладан, замонавийлаштирилган Ил-76 юк ташиш самолётлари ва Ил-114 йўловчи ташиш самолётлари, тракторлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси, кабел-ўтказгич маҳсулотлар, трансформаторлар, қуёш батареялари, мис, ипак етказиб бериш борасида кўплаб келишувларга эришилди. Сайёҳлик, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Президент Ислом Каримовнинг ташрифи доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон–Миср бизнес форуми ана шу мулоқотларнинг узвий давоми бўлди. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Миср тадбиркорлар уюшмаси ва Савдо палаталари федерацияси томонидан ташкил қилинган ушбу анжуман Тошкентда ўтган ҳукуматлараро қўшма комиссия йиғилишида белгилаб олинган устувор соҳалар бўйича муайян келишувларга эришиш учун қулай имконият яратди. Форумда Ислом Каримовнинг ташрифи мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш баробарида ишбилармон доираларнинг бевосита ҳамкорлиги учун ҳам кенг йўл очиши, давлат раҳбарлари ўртасидаги ишонч ишбилармонларнинг шерикликка интилишини кучайтириши алоҳида таъкидланди.

Ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг молиявий кўрсаткичлари икки томоннинг имкониятлари даражасида эмаслигига муайян даражада ўртадаги масофанинг узоқлиги ва энг муҳими, ҳамкорлик қилинадиган соҳалар тўла, атрофлича ўрганиб чиқилмагани, ахборот алмашуви етарли даражада бўлмагани сабаб бўлаётир. Форумда ишбилармонлар Ўзбекистон ва Мисрнинг иқтисодий салоҳияти билан янада яқиндан танишдилар.

Стратегик нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон билан ҳамкорлик орқали Миср Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари бозорларида ўз ўрнини кенгайтириши мумкин. Ислом конференцияси ташкилоти ва Араб давлатлари лигасининг фаол аъзоси бўлган Миср Ўзбекистонга мазкур тузилмалар доирасида ҳамкорлик учун йўл очади.

(Давоми 2-бетда).

# ВАТАНИНИ УЛУҒЛАГАН ЎҒЛОН

**_Ўзбекистон профессионал бокс бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан Чагаевни кутиб олди!_**



*Ўзбекистон замини азал-азалдан буюк олиму уламо, фозилу фузалоларга, бир сўз билан айтганда, юксак салоҳиятга эга инсонларга бешик бўлган. Бугун истиқлол ва юртимиздаги тинчлик-осойишталик боис буюк аждодларимиз шон-шуҳратига муносиб тенгсиз истеъдод ва куч-қудрат соҳиблари вояга етмоқда.*

Куни кеча юртимизнинг ана шундай музаффар фарзандларидан бири Руслан Чагаев ўзбек спорти ҳамда жаҳон бокси солномасида зарҳал саҳифа очди — профессионал бокснинг WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпионлик камарини қўлга киритди.

Мана, қарийб бир ҳафтадирки, унинг улкан ғалабаси мамлакатимиз бўйлаб кенг тантана қилинмоқда. Юртимизнинг катта-кичик шаҳарларидан тортиб олис қишлоқларигача ёшу қарининг юз-кўзида қувонч, қалби фахру ифтихор туйғуларига лиммо-лим. Руслан ўзининг бетакрор ғалабаси билан юртимиз довруғини яна бир бор оламга ёйди, халқимиз ғурурига ғурур қўшди, дўсту биродарларимиз қалбида эзгу ҳисларни мавжлантирди.

...2007 йил 19 апрель, соат 20.45.

Тошкент халқаро аэропортида сайёрамизнинг машҳур боксчисини тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Карнай-сурнай садолари янграйди. Даста-даста гул тутган юртдошларимиз чуқур ҳаяжон ва чексиз қувонч билан жаҳон чемпионини қутлашга чоғланади...

Президентимиз Ислом Каримовнинг Руслан Чагаевга йўллаган табригида «Бутун Ўзбекистон аҳли бугун сенинг спорт оламида кўрсатган беқиёс жасоратингни байрам қилмоқда. Биз ўзбек бокс мактабида тарбия топиб камолга етган сендек ўғлонимизнинг тарихий ғалабани қўлга киритиб, ўта оғир вазнда жаҳон чемпионлигига эришгани билан ҳақли равишда фахрланамиз» деб таъкидланган. Германиянинг Штутгарт шаҳридаги спорт мажмуида ғоят шиддатли ўтган беллашув давомида у мустаҳкам ирода ва азму шижоат соҳиби эканини яна бир бор исботлади.

Президентимиз Ислом Каримовга йўллаган мактубида Руслан Чагаев: «Мен ўз ғалабамни Ўзбекистон мустақиллигига бағишлайман. Қаерда бўлишим, қайси мамлакатда жанг ўтказишимдан қатъи назар, мен учун Ўзбекистон спорти шаънини ҳимоя қилишдан кўра муқаддасроқ нарса йўқ», дейди фахр билан.



Ватан шаънини юксакларга кўтарган, унинг муқаддас номини олам узраараннум этган фидойи фарзанд ҳар қанча ҳурмат-эҳтиромга сазовор. Президентимизнинг 2007 йил 17 апрелдаги фармонига биноан профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этган Руслан Чагаев Ватанимизнинг юксак мукофоти — "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. Руслан Чагаевнинг иродали ғалабаси ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

*Воқеалар, янгиликлар, хабарлар*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари Хоразмда бўлиб, парламент юқори палатасига мазкур вилоятдан сайланган сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларининг депутатлари билан биргаликда жойларда учрашувлар ўтказишмоқда.*

## Қонунлар – келажагимиз кафолати

Бундан кўзланган асосий мақсад Сенатнинг яқинда бўлиб ўтган тўққизинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар, қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришдан иборатдир.

Бўлиб ўтган учрашувларда сўзга чиққанлар юқори палатанинг тўққизинчи ялпи мажлисида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, барча соҳаларда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган муҳим ҳужжатлар қабул қилинганини, улар келгусида мамлакатимиз тараққиётини кафолатлашини, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилишини таъкидлашди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Мукаммаллик – бош мезон

*Кеча пойтахтимиздаги "Dedeman Silk Road Tashkent" меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг лойиҳасини (янги таҳрирдаги) муҳокама қилишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Давлат божхона қўмитаси ва БМТнинг Тараққиёт дастури лойиҳаси асосида ташкил этилган ушбу тадбирда бошқарув идоралари, тадбиркорлик субъектлари, халқаро экспертлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.*

Таъкидландики, ҳозирга келиб, жаҳон иқтисодиётида глобал ўзгаришлар юз бермоқда. Шу билан бирга, товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш ҳажми тинимсиз ўсиб бормоқда. Мисол учун, мамлакатимиздаги кўплаб корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятга жалб этилган бўлиб, улар хориж бозорларини фаоллик билан ўзлаштирмоқда. Биргина 2006 йилда маҳсулотлар экспорт ҳажми 31,5 фоизга ўсиб, 2000 йилдагига нисбатан 2 мартадан кўпроқ ортгани, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси қарийб 2 миллиард АҚШ долларигача ўсгани шундан далолат беради.

Давра суҳбатида мутахассислар, халқаро экспертлар, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи субъектлар вакиллари лойиҳа юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Ёшларга бағишланган семинар

**ТОШКЕНТ.** Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларни миллий қадриятларимизга меҳрли, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, талабаларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш пойтахтимизнинг "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси "Маънавият ва маърифат" маркази фаолиятининг муҳим йўналишларидан. Марказда "Мунозара", "Ёш ижодкорлар", "Ёш нотиқлар", "Нафосат", "Ҳуқуқий маслаҳатхона" сингари клублар фаол иш олиб бормоқда.

(Давоми 3-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН-МИСР: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мисрда Ўзбекистондан қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш, уни ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар тузишга қизиқиш катта. Ўзбекистон кўнчилик, пахта ва ипакни қайта ишлаш соҳаларига Миср технологияларини жалб қилса, нафақат Марказий Осиё, балки ундан кенгроқ доирадаги бозорларда ҳам мустаҳкам ўринга эга бўлади. Мисрда чарм саноати, айниқса, пойабзал ишлаб чиқариш тармоғи кенг ривожланган. Ўзбекистонда эса йилига бир неча миллион квадрат метр тери ошланади. Бу соҳада қўшма корхоналар тузиш икки томон учун ҳам манфаатли. Мисрда Ўзбекистоннинг минерал захираларига ҳам қизиқиш катта.

Ислом Каримовнинг ташрифи давомида икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида 15 битим имзоланди. Миср иш одамлари Ўзбекистонга Марказий Осиё дарвозаси сифатида қарайди. Айни пайтда Мисрни Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ ва Шимолий Африка бозорларидаги ўрнини кенгайтириш йўлидаги энг ишончли ҳамкори санайди.

— Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги улкан салоҳияти хорижлик ишбилармонларни ўзига тортади, — дейди Миср тадбиркорлар уюшмаси раиси Одил Газарин. — Шу боис бугунги анжуманга ёш ишбилармонлар уюшмасидан ҳам вакилларни таклиф этдик. Келгусида улар биз бошлаган ишнинг давомчилари бўлишлари шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, Миср тадбиркорлар уюшмаси ва Савдо палаталари федерацияси мамлакатдаги тўрт юздан ортиқ йирик компанияни бирлаштирган. Ўзбекистон-Миср бизнес форумида уларнинг қарийб барчасидан вакиллар қатнашди.

— Президентларимизнинг муносабатларидаги самимийлик ва ўзаро ҳурмат бизни ҳам руҳлантирмоқда, — дейди Миср савдо палаталари федерацияси раиси Муҳаммад ал-Масрий. — Биз буни ўзимизга билдирилган юксак ишонч сифатида қабул қиламиз ва уни ҳар томонлама оқлашга ҳаракат қиламиз. Бугунги анжуман кутилганидан ҳам муваффақиятли ўтди. Барча саволларга аниқ жавоблар олинди.

Ислом Каримовнинг Мисрга ташрифи асносида ўзаро алоқаларнинг ҳуқуқий пойдевори янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикасининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда ҳамкорлик, судьялар малакасини ошириш ва суд-ҳуқуқ соҳасида тажриба алмашиш тўғрисидаги битимлар, ахборот соҳасида ҳамкорлик, 2007-2010 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар, шунингдек, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Миср Миллий спорт кенгаши, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Миср Халқаро ҳамкорлик вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Миср Савдо палаталари федерацияси, "Ўзинфоинвест" агентлиги билан Миср Инвестиция ва эркин ҳудудлар бош дирекцияси, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Миср Стандартлаштириш ва сифат ташкилоти, Ўзбекистон Марказий банки билан Миср Марказий банки ўртасида англашув меморандумлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан Миср Искандария кутубхонаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Миср Миллий банки, "Банк дю Каир" ва "Банк Мисрий" ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Бу ҳужжатларнинг аҳамияти уларнинг қамровидан ҳам билиниб турибди. Хусусан, терроризм ва уюшган жиноятчилик дейилганда, наркобизнес, экстремизм каби таҳдидлар ҳам назарда тутилади. Президентимиз таъкидлаганидек, бундай таҳдидлар хавфсизликни таъминлашнинг умумий муаммоларини пайдо қилади. Демак, уларга қарши кураш ҳамкорликда амалга оширилсагина, кутилган натижани беради. Бу миллий манфаатларга тўла мосдир. Зеро, миллий манфаат, аввало, миллий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш билан ҳимоя қилинади.

Маданий ҳамкорлик халқларни янада яқинлаштиради.

Стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ҳамда банк муассасаларининг ҳамкорлиги ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини мустаҳкамлайди.

Мисрга ташриф асносида Президент Ислом Каримов ушбу мамлакат Бош вазири Аҳмад Назиф, Парламент Халқ кенгаши (қуйи палата) раиси Фатҳий Сурур, ташқи ишлар вазири Аҳмад Абулғайт билан учрашди. Ушбу мулоқотларда Ўзбекистон билан Миср ўртасида савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ҳамкорликни ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсат маҳкамаларининг маслаҳатлашувларини мунтазам йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо билан учрашди. Музокарада Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот билан муносабатларини ривожлантириш масалалари ҳақида фикр алмашилди.

## Қоҳирада Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали очилди



Ўзбекистон ва Мисрнинг тарихан муштарак жиҳатлари анчагина. Шарқ мамлакатларида, жумладан, Мисрда маърифатли исломнинг қарор топишида, бунинг ижобий натижаси сифатида дунёвий фанларнинг шаклланиши ва ривожланишида Мовароуннаҳр мутафаккирларининг ҳиссаси беқиёс бўлган. Хусусан, 800-861 йилларда яшаб ижод этган буюк ватандошимиз Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний эҳромлар юртида ўчмас из қолдирган. У Нил дарёси сувининг сатҳини ўлчайдиган ўта ноёб иншоот — устурлобни кашф қилган. Мисрнинг катта ҳудуди саҳро зоналаридан иборат эканлиги ва фақат Нил водийсида зироатчилик қилиш мумкинлиги инобатга олинса, буюк ватандошимиз яратган "Миқёси Нил" мамлакатдаги сув захираларидан унумли фойдаланишда, дарёда сув сатҳи ўзгаришларини башорат қилишда муҳим аҳамият касб этиб келган. Миср қишлоқ хўжалигидаги вазият бугунги кунда ҳам Нилдаги сув миқёсига бевосита боғлиқ. Юксак даражада билим талаб этадиган, ўта аниқлик билан ишланган «Миқёси Нил»дан ҳозир ҳам кенг фойдаланилади.

Миср ҳукумати буюк алломага эҳтиром ва икки мамлакат халқларининг кўп асрлик илмий-маданий алоқалари тимсоли сифатида Аҳмад ал-Фарғонийга ҳайкал ўрнатишга қарор қилди. Президент Ислом Каримовнинг ташрифи доирасида ушбу ҳайкалнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

"Миқёси Нил" бунёд этилган Рода оролига Ўзбекистон расмий делегацияси, Миср ҳукумати аъзолари, жамоатчилик вакиллари, олимлар йиғилди.

Тантанали маросимда Ислом Каримов Ўзбекистон ва Миср халқларининг дўстлиги узоқ даврларга бориб тақалишини, бу дўстликка улуғ аждодларимиз асос солганини алоҳида таъкидлади. Ўзбек заминида етишиб чиққан алломалар, хусусан, Аҳмад ал-Фарғоний жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшганини қайд этди. Шу боис 1998 йилда аллома таваллудининг 1200 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида жаҳон миқёсида, жумладан, Мисрда ҳам кенг нишонланди. У IX асрдаёқ сайёрамизнинг диаметрини ҳисоблаб чиққан, дунёни қитъаларга, етти иқлимга бўлиб, шарҳлаган олимдир. Ал-Фарғонийнинг астрономияга оид тадқиқотлари ҳозир ҳам бутун дунё олимлари учун асосий қўлланмалардан бўлиб келмоқда.

Қоҳира шаҳри ҳокими Абдулазим Вазир Ўзбекистон Республикаси Президентининг Миср халқига совғаси сифатида қабул қилинган ушбу ёдгорлик Аҳмад ал-Фарғонийнинг Миср цивилизацияси равнақи йўлидаги хизматларига кўрсатилган юксак эҳтиром ифодаси эканини таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, Миср пойтахтида «Ҳадиқа ал-Ўзбекия», «Сур ал-Ўзбекия», «Ҳай ал-Ўзбекия» номлари билан аталувчи мавзелар бор. Айтишларича, илгари Буюк Ипак йўли бўйлаб сафар қилган карвонлар Мисрга келганда мана шу мавзеларда тўхтаган. Айниқса, «Сур ал-Ўзбекия» диққатга сазовордир. Бугун у ердаги китоб дўконларида қадим ва ноёб асарларни топиш мумкин. Булар ҳам халқларимизнинг илмий-маданий алоқалари нечоғли қадимий ва мустаҳкам эканлигидан далолат беради.

Ислом Каримов "Миқёси Нил"ни кўздан кечирди. Қоҳира музейида бўлиб, унинг экспонатлари билан танишди.

Миср оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президентининг ташрифини кенг ёритди, ташриф икки томон учун ҳам манфаатли самаралар беришини алоҳида қайд этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф давомида эришилган келишувлар икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши, бу борада янги уфқлар очилиши шубҳасиздир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент – Қоҳира – Тошкент.

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ**
**олган суратлар.**

# ВАТАНИНИ УЛУҒЛАГАН ЎҒЛОН

(Давоми. Боши 1-бетда).




...Ниҳоят, орзиқиб кутилган лаҳзалар — Руслан Чагаев самолётдан бир қўлида юрт байроғи, иккинчи қўлида чемпионлик камари билан тушиб, киндик қони тўкилган она Ватани — Ўзбекистоннинг муқаддас заминига қадам қўйди. Миллий либосдаги қизлар унга гуллар тақдим этишди. Она юртига ёруғ юз билан қайтган Русланнинг кўзларида севинч учқунлари порлайди.

— Ҳар гал ғалабадан сўнг сиз, азиз қадрдон юртдошларим ва устозларим билан дийдорлашиш учун жонажон Ватанимга ошиқаман, — дейди Руслан Чагаев. — Мен ўзимнинг энг эзгу орзуим — жаҳон чемпиони бўлиш орқали Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга муваффақ бўлдим. Албатта, профессионал рингда мағлубият аламини тотмай келаётган россиялик Николай Валуевга қарши жангга тушиш осон бўлгани йўқ. Бироқ баҳснинг ҳар бир лаҳзасида ортимда мамлакатимиз Президенти ҳамда миллионлаб юртдошларимнинг мени ғойибона қўллаб-қувватлаётганларини ҳис қилиб турдим. Юртбошимиздан олган оқ фотиҳа ҳамда ғалабамни астойдил кутаётган мухлисларимнинг ишончи менга руҳий мадад берди, кучимга куч қўшди.

Бундан буён ҳам Юртбошимизнинг ишончларини оқлаш, Ўзбекистон байроғини турли мамлакатлар спорт мажмуаларида юқори кўтариш учун бор куч ва иродамни сафарбар этаман. Ёш авлодга ўзбек бокс мактаби анъаналарини ўргатиш орқали жонажон мамлакатимиз Мустақиллигини мустаҳкамлашга, юртимиздан кўплаб жаҳон чемпионлари етишиб чиқишига ўз ҳиссамни қўшаман.

Тадбирда йиғилганлар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳалар сингари спорт соҳасида олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли юртимиздан ана шундай дунёга донғи кетган жаҳон чемпионлари етишиб чиқаётганини таъкидладилар. Зеро, Юртбошимиз ибораси билан айтганда, буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина бунёд эта олади. Бундай қутлуғ зафарлар замирида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси, Мустақиллик аталмиш ноёб неъмат тортиқ қилган буюк имконлар мужассам.

Шу куни минглаб юртдошларимиз пойтахтимиз кўчаларидан «Чайка-кабриолет»да ўтган Руслан Чагаевнинг пойига баҳор чечакларидан поёндоз солишди. Унинг спорт оламида кўрсатган беқиёс жасорати шарафланиб, «Ғалабанг муборак, Руслан!», «Қадаминг қутлуғ келсин, юртнинг мард ўғлони!», «Сен билан фахрланамиз!» сингари қутловлар битилган плакатлар, байроқ кўтарган мухлислар оқими кўчалар бўйлаб чўзилди.

Ҳа, Руслан ўзининг тарихий ғалабаси билан халқимиз нималарга қодирлигини яна бир карра намоён қилди. Бу ғалаба Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни вояга етказишга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Дилшод ЮСУПОВ**
**олган суратлар**

*Қарши шаҳридаги «Санам» очиқ ҳиссадорлик жамияти бир маҳаллар жаҳон андозаларига мос келадиган кўйлаклари билан машҳур бўлган. Ҳозир эса иқтисодий ночор корхоналар рўйхатининг бошида турибди. Ишлаб чиқариш ривожланмагандан кейин нима бўларди? 2006 йил ҳам зарар билан якунланди. Бюджетдан 45435 минг сўм, иш ҳақидан 6931 минг сўм қарз бўлиб қолди. Хомашёни сотиб олишга пул йўқ. Корхона раҳбари Ғулом Орзиев эса газламасини ўзи олиб келиб берадиган буюртмачини излаб юрибди...*

# ИМТИЁЗ — ИМКОНИЯТ

**Модернизация: таҳлил**

Ваҳоланки, бозор иқтисодиёти шароитида замонавий технологияга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўймаган корхонанинг ўнгланиши мушкул. «Китоб ип-йигирув» очиқ ҳиссадорлик жамияти мулкдорлари бу оддий ҳақиқатни англаган шекилли, ишлаб чиқаришни модернизация қилишни бошлаб юборишди. Улар 500 миллион сўм инвестиция киритиб, Япониядан пилталаш ва пиликлаш дастгоҳлари, Германиядан йигирув ва ўров машиналарини олиб келиб ўрнатишди. Натижада 225 киши иш билан таъминланди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 107,2 миллион сўмлик ип-калава ишлаб чиқарилди.

Бу — ишнинг бошланиши. Ишлаб чиқариш цехларини тўла модернизациялаш мақсадида ҳамкорлар умумий қиймати 2425 минг АҚШ долларилик лойиҳани ҳам тайёрлашган. Молиялаштириш учун республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига тақдим этилган ушбу лойиҳа амалга ошса, корхона йилига 2 минг тонна толани қайта ишлаш қувватига эга бўлади.

Ёки бўлмаса, «Cotton ROAD» қўшма корхонасини олиб кўрайлик. 2006 йилда мазкур қўшма корхонага 224,4 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган эди. Якунда ишлаб чиқариш ҳажми 2005 йилдагига нисбатан 142,7 фоиз ўсди. 2 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Бу йил эса ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини икки баравар ошириш мўлжалланмоқда.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги техника ва технология билан қайта жиҳозлаш бошқа тармоқларда ҳам кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Бу жараён ёнилғи-энергетика мажмуаси корхоналарида, айниқса, жадал кечаяпти. Республика ҳукуматининг доимий эътибори туфайли ҳар йили тармоққа катта миқдорда инвестиция киритилмоқда. Хусусан, жорий йилда Швейцариянинг «Зеромакс» компанияси билан ҳамкорликда «Зеварда», «Помук», «Денгизкўл» конларида компрессор станциялари қурилади. «Шўртаннефтгаз» унитар корхонасида 3 миллиард куб метр газни қайта ишлайдиган замонавий ускунанинг иккинчи навбати ишга туширилади. «Союзтрансгаз» компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ эса, Муборак газни қайта ишлаш заводидаги эскирган ускуналар ҳам бутунлай янгиланади. Бу ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш имконини беради.

— Президентимизнинг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида хўжалик субъектлари учун катта имтиёзлар кўзда тутилган, — дейди вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Сирожиддин Эшматов. — Солиққа оид бу имтиёзлар корхоналар учун катта имкониятлар яратади. Чунки уларга уч йил мобайнида фойдадан олинадиган солиқ базасини тегишлича камайтириш, беш йил муддатга янги техника учун мулк солиғидан озод қилиш, ягона солиқ тўловчилар учун солиқ базасининг сотиб олинган техника воситалари қийматига тенг (25 фоизгача) қисмини ўзида олиб қолиш ҳуқуқи берилди. Тежаб қолинган маблағлар эса кредитларни қайтаришга, айланма маблағни кўпайтиришга, ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга сарфланади.

2006 йил якунларига бағишланган фаоллар йиғилишида бу йил вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқаришини 12,4 фоизга кўпайтириш белгилаб олинган. Бу вазифаларнинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги техника ва технологияни жорий этишга боғлиқ, албатта. Шу боис вилоятда бу йўналишга алоҳида эътибор берилмоқда. Амалга оширилаётган ишлар эса ўз самарасини бериши, шубҳасиздир.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Дўстлик форуми

***Сурхондарё вилоятининг Қизириқ туманида "Аёллар ва ёшлар экстремизм, террорчилик ва гиёҳвандликка қарши" мавзуида дўстлик форуми бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорликда ташкил этди.***

■ Тадбир иштирокчилари Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, айниқса, аёллар ва ёшларнинг ўз қобилият ва иқтидорини рўёбга чиқаришлари учун шарт-шароит яратиб бериш борасида салмоқли ишлар қилинаётганини таъкидладилар.

Анжуманда дунёнинг қатор мамлакатларида экстремистик ҳаракатлар тинчликка раҳна солаётгани, бегуноҳ инсонлар умрига зомин бўлаётгани қайд этилди. Гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари хусусида сўз юритилди. Экстремизм, терроризм ва гиёҳвандликка қарши ҳамжиҳатликда кураш олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир доирасида тумандаги ўнга яқин кам таъминланган оилаларга қимматбаҳо совғалар, касаначилик билан шуғулланаётган бир гуруҳ хотин-қизларга замонавий тикув машиналари топширилди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, Сурхондарё вилояти ҳокими А.Эшмуротов сўзга чиқди.

## Касаначилар кўпаймоқда

***Жиззах шаҳридаги «Зилолатекс» акциядорлик жамиятида 110 киши касаначилик асосида меҳнат қилмоқда. Ўтган йили улар 18 миллион сўмлик трикотаж маҳсулотлари тайёрладилар.***

■ — Уй меҳнати билан шуғулланувчилар корхона томонидан тикув машиналари, хомашё билан тўлиқ таъминланган, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Бахтиёр Ражабов. — Улар тиккан буюмлар сифати ва бежиримлиги билан истеъмолчиларга манзур бўлаётир. Имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, бу йил касаначилар сонини яна 35 нафарга кўпайтириш ниятидамиз.

Айни пайтда корхона яқинидаги "Сайилжойи" ва Ҳамза номидаги маҳаллаларда ҳам касаначилик асосида иш ўринлари ташкил этилди. Корхона маъмурияти бундай ишларни шаҳар атрофидаги қишлоқларда ҳам йўлга қўйишни мўлжалламоқда.

## Йўловчиларга қулайлик

Самарқанд шаҳрида йўловчиларга хизмат кўрсатувчи жамоат транспорти сони бирйўла 100 тага кўпайди. Уларнинг барчаси кўҳна шаҳарнинг ўз автомобиль заводида ишлаб чиқарилган «Отойўл» автобусларидир.

«Самавангардтранс» масъулияти чекланган жамияти сармояси ҳисобига сотиб олинган автобуслар 12 та йўналиш бўйича ҳаракатланмоқда. Самарқанд шаҳрининг қутлуғ 2750 йиллик тўйигача яна 150 та янги автобус йўловчиларга хизмат кўрсата бошлайди.

## Кредитга техника

***Мамлакатимизда хусусий секторни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда банкларнинг роли ортиб бормоқда.***

Республика акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг Навоий вилояти бошқармаси томонидан фермерларга баҳорги юмушлар учун бўнак ҳамда маошлар ўз вақтида тўлаб борилаяпти. Яқинда «Пахтабанк»нинг 600 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредити эвазига тўртта «Клаас» русумли комбайн ва иккита «МТЗ 80» маркали трактор сотиб олинди. Хатирчи туманидаги «Усмон Додо Суннат», Навбаҳор туманидаги «Аҳрор ота» фермер хўжаликлари ва қизилтепалик фермерларга хизмат кўрсатаётган «Қизилтепа МТП» корхонаси ана шу техникаларга эга бўлди.



*Қўнғирот туманидаги «Абдулсанам» фермер хўжалиги раҳбари Гулсанам Абдуллаева 106 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳар йили пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштиришга эришмоқда. Ўтган йилги фойда ҳисобига эса у «БТ-150» русумли трактор сотиб олди.*
*Гулсанам опа жорий йилда янада баракали хирмон уйиш ниятида экин-тикин ишларини жадал олиб бормоқда.*

**СУРАТДА: фермер Гулсанам Абдуллаева.**
**Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## Ранглар жилосида — баҳор

***Урганч шаҳар суратлар галереясида баҳор фаслига бағишланган ранг-тасвир асарлари кўргазмаси очилди.***



■ Унда юртимизда яшаб ижод қилаётган таниқли мўйқалам усталарининг 650 дан ортиқ сара асарлари намойиш қилинмоқда.

Рассомлардан Д. Йўлдошевнинг «Тоғли қишлоқ», П. Кичконинг «Наврўз», Ғ. Қодировнинг «Хотира» асарлари, айниқса, мухлисларда катта таассурот қолдираяпти.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Марказ томонидан Президентимиз Ислом Каримовнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу

# Ёшларга бағишланган семинар

борада Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда "Сиз соғлом баҳсга киришишни истайсизми?" мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди. Унда "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган олий ўқув юртлари фаол талабалари, "Мунозара" баҳс клуби аъзолари иштирок этди.

Ундан кўзланган мақсад — ёшларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, талабаларни жамиятимизда кечаётган ислоҳотлар жараёнида фаол иштирокчига айлантириш. Ўн кунлик семинарда талабалар миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари, мунозара-дебат турлари ва қонун-қоидаларига оид маърузалар тингладилар.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Буюк келажакка муносиб авлод

***"Фарзандлари келажагини ўйлаб яшаш — ўзбек миллатига хос фазилат". Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунлари ва 2007 йилнинг устувор вазифаларига бағишланган йиғилишда ана шундай дедилар. Миллатимизга хос бундай фазилатга Истиқлолдан кейин янада кенг йўл очилди. Фарзандлар келажагини ўйлаш — мустақил Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.***



**Нигоҳ**

Ён-атрофимизга назар ташлайлик: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури туфайли бугун катта ишонч ва шиддат билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар сафи кўпайиб бормоқда. Уларнинг хорижий тилларни ўрганиб, дунёга чиқаётганларидан фахрланасиз, замонавий билим-малакасига, дунёқарашига ҳавасингиз келади. Мана шундай пайтларда қанотбахш жумла ёдга тушади: "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!"

Буюк келажак навқирон авлод қўлида. Ёш авлоднинг эртанги кунга муносиб бўлишлари учун эса юртимизда ҳамма иш қилинмоқда. Ўзбекистонда кун сайин кўпайиб бораётган муҳташам мактаблар, коллеж ва лицейлар, улардаги энг замонавий жиҳозлар — ёшлар учун. Компьютер залларига, спорт мажмуаларига, сузиш ҳавзаларига эга бўлган бундай таълим муассасаларини яқин-яқингача ҳам фақат орзу қилиш мумкин эди.

Ҳозирги ёшлар маънавиятида ҳавас қилгулик жиҳатлардан бири шундаки, улар: "Биз Ватан тараққиёти учун нима иш қилдик, шу юртга нафимиз кўпроқ тегишига қандай ҳисса қўшдик?" деган саволларни ўзларига бермоқдалар.

— Фикримча, бугунги ёшларнинг эришаётган энг катта ютуқларига миллий ғурур сабабчи, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг иккинчи курс талабаси Жалол Камолов. — Университетда ўқиётган барча тенгдошларимнинг мақсадлари муштарак ва улуғ: Биз — ёшларга Президентимиз қалб қўрлари билан ғамхўрлик кўрсатиб, бошимизни силаётган эканлар, ана шу юксак эътибор ва муносабатга яраша бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Агар танамизга мундоқ ўйлаб кўриб, виждонимизни ўртага қўйиб айтсак, Жалол ва унинг тенгдошлари қалбида бундай ўзига хос фикрлашнинг туғилиши, аввало, Истиқлол шарофатидандир. Президентимиз йил якунларига бағишланган йиғилишда 1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самараси ҳақида тўхталиб, таъкидлаганларидек: "...Мамнуният билан айтиш мумкинки, мана шу ўн йил биз учун бекор ўтгани йўқ. Бу ишларимизнинг дастлабки ҳосилини кўра бошладик. Бизнинг ишимизга кимки баҳо бермоқчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига боқсин".

Ёшларнинг онгу тафаккуридаги ўзгаришлар ҳақида бежиз гапирмадик. Бу энг муҳим ютуқдир. Улар бугун халқаро фан олимпиадаларида қатнашмоқда, халқаро спорт мусобақаларида бошқалар билан куч синашмоқда ва тобора шунга аниқ ишонмоқдаларки, биз дунёда ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам.

Яқинда бир тадбир муносабати билан Тошкент шаҳар Ўқув-даволаш комплексига қарашли тиббиёт коллежида бўлдик. Суҳбат давомида коллеж директори Сабоҳат Мақсудова бизни "Маънавият" дарсига таклиф қилиб қолди. Аудиторияга кирдик. Ёш ўқитувчи ўз дарсини Президентимиз асарлари асосида олиб борарди. "Тинчлик — бебаҳо неъмат" мавзусидаги бу дарсда ҳамма ҳаяжон билан фикр юритди. Мавзу доирасида бугунги кунимизнинг энг катта ва асосий ютуғи ортида мамлакатимизнинг тинчлиги турганлиги ҳақида гап борар, бунга жавобан ўқувчилар ёш ўқитувчи билан қизғин баҳсу мунозарага киришарди. Бу фикру мулоҳазалар замирида эса шу юртни асраш, унинг эртанги куни учун ёниб яшаш иштиёқи мужассам эди.

Ёшлик — бебаҳо давр. Уни олтинга айлантириш ҳам, қадрсизлантириш ҳам — ёшларнинг ўзига боғлиқ. Бугун ёшликнинг, чиндан ҳам, инсон ҳаётида олтин давр бўлиши учун мамлакатимизда барча шарт-шароит муҳайё этилган. Улар, Навоий бобомиз айтганларидек, ёшлигида "илм махзанини йиғадиган", халқ корига ярайдиган, иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қилувчи энг замонавий касб-ҳунарларни эгаллайдиган бир даврда яшамоқдалар. Бундай ёшлар бор экан, Ватанимиз келажаги ҳам ишончли ва мунаввардир. Тараққиётимиз барқарордир.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Қўшимча текширув бошланди

13 апрель куни айни пайтда Буюк Британияда қочиб юрган тадбиркор Борис Березовский «The Guardian» газетасига берган интервьюсида Россияда зўравонлик йўли билан ҳукуматни алмаштириш нияти борлигини, ҳатто, давлат тўнтаришига тайёрланаётганларни молиялаштирганини айтган эди. Шундан сўнг Россия Федерацияси Бош прокуратураси унга нисбатан яна янги жиноий иш очди ва расмий Лондонга мурожаат қилиб, тадбиркорни сиёсий қочқинлик мақомидан маҳрум этишни ҳамда уни Россияга қайтаришни сўради.

Бирлашган Қироллик ҳукумати Березовский иши бўйича қўшимча текширувлар бошланганини маълум қилди.

## Қўрқув исканжасида

**АҚШнинг ўнлаб штатларидаги университетлар ва мактаблар қуролли ҳужум рўй бериши эҳтимоли борлиги учун вақтинча ёпиб қўйилди. Кўплаб ўқув муассасалари эвакуация қилинаяпти. «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлигининг хабар тарқатишича, Виржиния штатидаги Техника университетидаги қотилликлардан сўнг мамлакатда ваҳима бошланган.**

**Агентлик хабарида айтилишича, ўқув муассасаларига номаълум шахслар қўнғироқ қилиб, Техника университетидаги воқеа яна қайтарилиши тўғрисида огоҳлантиришган.**

## «Газпром»нинг улуши

**«Газпром» «Sakhalin Energy» компанияси билан тегишли ҳужжатларни имзолаб, «Сахалин-2» лойиҳасига қўшилди. Келишувга биноан, «Газпром» лойиҳанинг 50 фоиз плюс битта акциясига эгалик қилади. Лойиҳанинг қолган акциялари «Sakhalin Energy», «Mitsui» ва «Mitsubishi» компаниялари ўртасида бўлинди. Газни қайта ишловчи «Сахалин-2» заводининг келгуси йилда ишга тушиши кутилаяпти ва у йилига 9,6 миллион тонна углеводород ёнилғисини етказиб бера бошлайди.**

**Таъкидлаш керакки, ушбу лойиҳанинг қиймати 19,4 миллиард долларга баҳоланаяпти.**



## Кўмир конида фожиа

«Синхуа» ахборот агентлигининг хабар тарқатишича, Хитойдаги кўмир конларининг учтасида бир пайтнинг ўзида ҳалокат содир бўлди. Сўнгги маълумотларга кўра, ер тагида камида 47 нафар кончи қолиб кетган. Биринчи воқеа Хунань музофотида рўй берган. Кучли ёмғир ёғиши натижасида шахта оғзи беркилиб қолди. Хенун музофотидаги шахтада эса портлаш содир бўлди. Воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилаётган вақтда яна портлаш рўй берди. Ҳозирча фожиа сабаблари номаълум. Қутқарувчиларнинг айтишича, конда ҳаво алмаштириш тизими яхши ишламаган.

Учинчи фожиа Хэйлунцзян музофотидаги конда содир бўлди. Маҳаллий ҳукумат вакилининг билдиришича, кон ҳеч бир рухсатсиз ишга туширилган экан.

## Бағдодда яна хунрезлик

Чоршанба куни Бағдодда олти маротаба портлаш содир бўлди. Оммавий терактлар камида 200 нафар одамнинг ҳаётига зомин бўлди. Охирги икки ой давомида мамлакатда хавфсизлик чоралари кучайтирилганига қарамай, хунрезликлар ва зўравонликлар авж олиб бораяпти. Қурбон бўлганларнинг аксарияти тинч аҳоли вакилларидир. Улар орасида аёллар ва болалар ҳам бор.



Мамлакат Бош вазири қонли чоршанба воқеаларини қоралаб чиқди ва Бағдодда назоратни кучайтириш юзасидан юқори мартабали ҳарбийларга кўрсатмалар берди.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*


***ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!***

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**

**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 14 мартдаги 11-03-01/218-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Оҳангарон тумани, «Озодлик» ҚФЙ, Убайд қишлоғида жойлашган ғишт цехи бино ва иншоотлари «Қозоғистон» трактори (техник носоз) билан бирга.

***Бошланғич баҳоси – 45 848 000 сўм.***

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 22, 29 май ва 5, 12, 17 июнь кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк объекти сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Юқоридаги кўчмас мулк объекти билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефонлар: 399-79-52, 399-84-48.**

**Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.**



Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

**2007 йил 22 май куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйидаги мулкларни қўймоқда:**

- 2006 йил 19 июндаги ижро ҳужжатига асосан «Тошкентлифт» трестига қарашли Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Миробод (Кунаев) кўчаси, 12-уй, 53-хонада жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона (инв. №71). ***Бошланғич баҳоси — 4 676 464 сўм 99 тийин.***
- 2006 йил 19 июндаги ижро ҳужжатига асосан «Тошкентлифт» трестига қарашли Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Марказ-15, 2-«А» уй, 23-хонада жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона (инв. №4). ***Бошланғич баҳоси — 4 586 226 сўм 08 тийин.***
- 2006 йил 19 июндаги ижро ҳужжатига асосан «Тошкентлифт» трестига қарашли Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-4, А.Қодирий кўчаси, 24-уй, 4-хонада жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона (инв. №3055). ***Бошланғич баҳоси — 7 865 202 сўм 93 тийин.***
- 2006 йил 19 июндаги ижро ҳужжатига асосан «Тошкентлифт» трестига қарашли Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, «Қорасарой» кўчаси, 1-уй, 72-хонада жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона (инв. №60). ***Бошланғич баҳоси — 9 044 457 сўм 60 тийин.***
- 2006 йил 19 июндаги ижро ҳужжатига асосан «Тошкентлифт» трестига қарашли Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қора-Қамиш-2/1, «Сағбон» кўчаси, 44-уй, 25-хонада жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона (инв. №96). ***Бошланғич баҳоси — 3 045 301 сўм 19 тийин.***

*Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб кўришлари мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.*

Хизматлар лицензияланган.

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.**



**У ОФИЦИАЛЬНОГО ДИЛЕРА заводская**

100% ГАРАНТИЯ + подарок



Товар сертифицирован

*цены указаны без учета таможенных платежей

**☎195 - 88 - 77 ВЕСЬ МОДЕЛЬНЫЙ РЯД от 14 500 у.е.**



«ГРАНА» Алтай - Россия

**УН** *барча навлари*

**ЁРМАЛАР**

Ун о/н 50 кг, 10 кг, 5 кг, 2 кг
Ун биринчи навли
Жавдар уни
Ёрмалари

Энди Ўзбекистонда ҳам

«ГРАНА» — бу экологик тоза маҳсулот, сифат кафолати ва Россия бағрикенглиги



Грана

Маҳсулот сертификатланган

Тошкент ш., З. Кабилов кўч., 19. Тел./факс 142-12-92 тел: 103-04-39, 343-52-38. E-mail: grana-altay@bk.ru



**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ**



**«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.**

**МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ**

амкодор

**(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.**



***Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.***

Маҳсулот сертификатланган

**Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru**



**Российский линолеум**

**Обои виниловые**

*Форма оплаты — любая*
*Товар сертифицирован*

**тел. 134-48-11**
**303-38-77**
**факс 134-49-58**



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
☎ 136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**корпоратив ахборот тизимини яратиш мақсадида амалий дастур ишлаб чиқиш ва уни жорий қилиш учун ОЧИҚ ТЕНДЕР САВДОСИ ЎТКАЗАДИ.**

**Компьютер амалий дастурлари яратиш ва ахборот коммуникацион технологияларни амалиётга жорий қилишга ихтисослашган корхона ва ташкилотларни очиқ тендер савдосига таклиф қилади.**

Тендер савдосида иштирок этиш истагини билдирган ташкилот (корхона, фирма ва бошқалар)лардан корхонанинг мулкий ва молиявий аҳволи, бажарган лойиҳалари, корхона манзили ва бошқа маълумотларни мазкур эълон чиққан кундан бошлаб, уч кун ичида вазирликнинг танлов комиссиясига тақдим этишлари сўралади.

Тендер ҳужжатлари вазирликнинг «Ўзсаноатқурилишбанки»нинг Ракат бўлимидаги МФО 00435, ИНН 201190645, ОКОНХ 97300, 20203000700114490001 ҳисоб рақамига 100 000 сўм ўтказиш орқали сотиб олинади.



**Манзилимиз: 700100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Авлоний кўчаси, 20-«А» уй, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.**

**Қўшимча маълумотларни вазирликнинг қуйидаги телефонлари орқали олиш мумкин: 396-99-04, 396-04-11.**



# Зеболанаётган Самарқанд



*Катта тўйга тайёргарлик, аввало, тарихий обидаларга бўлган эътиборда кўзга ташланади. Хусусан, Регистон майдони ҳудуди ҳамда Шоирлар боғи қайтадан юз очиб, хиёбон гулзорга айлантирилди. Шоҳи Зинда ансамбли таъмирланиб, атрофи обод бўлмоқда. Хуллас, қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳар тобора гўзаллашиб, зеболаниб бормоқда.*

Бизнинг жамоамиз ҳам тўйга тўёна билан бориш умидида туман, қишлоқ ва маҳаллаларда, ўқув ва меҳнат жамоаларида турли маданий-маърифий тадбирларни амалга оширмоқда. «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган «Самарқанд нонлари» кўрик-танловининг биринчи босқичи тугалланай деб қолди. Шунингдек, миллий ғоя ва маънавият тарғиботчилари маърузалари матнлари ҳамда энг яхши ижод намуналари (шеър, ғазал, достон) кўрик-танловлари ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мазкур кўрик-танловда қатнашаётган олимлар ва ижодкорларнинг ҳар бири Самарқанднинг шон-шуҳратию довруғини янада юксалтиришга қатъий аҳд қилган.

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими Кенгаши билан биргаликдаги «Бир нуроний — ўн оилага ҳомий» деб номланган тадбиримиз, айниқса, эътирофга сазовор бўлмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳаёт тажрибаси асосида тарбиялашдан иборат. Кексаларнинг ватанпарварлик, юрт ободлиги йўлидаги фидойиликлари ёшларга маънавий сабоқ бўлиб, уларни эзгу ишларга ундаши самарали натижалар беради, албатта. Аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисот мустаҳкам ирода, имон-эътиқод, миллий ғурур туйғусининг мустаҳкам заминидир.

Юртбошимиз томонидан «Самарқанд ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир», дея жуда юксак баҳоланган Самарқандни янада гўзаллаштириш ва кўркамлаштириш ҳар биримизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимизга айланмоғи даркор.

**Йўлдош СУЮНОВ,**
**Республика Маънавият тарғиботи маркази Самарқанд вилояти бўлими раҳбари.**

# Марғилон ҳақида немисча журнал



*Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан Берлинда «Ипакчилар шаҳри Марғилон — 2000 ёшда» деб номланган рангли журнал немис тилида чоп этилди.*




Журнал тўрт қисмдан иборат. «Қадимий Марғилон тарихи» деб номланган бобда ўқувчиларга қадимий ва навқирон шаҳар ҳақида қисқача маълумот берилса, «Марғилондаги амалий санъат мактаби» қисмида IX-XII асрда у ерда терини қайта ишлаш, тўқувчилик, ўймакорлик, атлас ва гилам тўқиш ривожланганига кенг ўрин берилган.

Меъморчиликнинг ноёб намуналари саналмиш Пир Сиддиқ мадрасаси, Чокар ҳамда Туронбозор масжиди, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Ёқут Ҳамавий, Абу Саид Сомонийлар ҳақида «Марғилоннинг тарихий меъморий ёдгорликлари ва унинг буюк намояндалари» бўлимида фикр юритилади. Журнал саҳифаларидан ўрин олган «Бугунги Марғилон» қисмида эса юбилей арафасида шаҳарда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилинган.

**Қ. ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Пойтахтимиздаги Ёш томошабинлар театрида Қозон татар давлат ёш томошабинлар театри спектакллари намойиши бошланди.*

## Татаристон театри – меҳмонимиз

Гап шундаки, мамлакатимизга сафарга келган ушбу театр жамоаси ўзбекистонликлар учун ўз репертуарларидаги энг сара асарларни тақдим этмоқда. Тажи Гийззетнинг "Кыю кызлар", Рабит Батулланинг "Бичаракай", Туфан Миннуллиннинг "Алмачуар" сингари ўнга яқин асарлари шулар жумласидандир.

## Саҳнада оила тақдири талқини

Ўзбек Миллий Академик драма театрида машҳур итальян драматурги Эдуардо де Филиппонинг "Неаполмиллионерлар шаҳри" асари режиссёр Александр Гамиров талқинида "Тун албатта ўтади" номи билан саҳналаштирилди. Асарда бир оила тақдири ҳақида сўз боради. Спектаклдаги асосий ролларни театрнинг етакчи актёрлари М. Абдуқундузов, З. Ашурова, Д. Икромова, Ф. Маъсудов ва бошқалар ижро этишган.

Куни кеча асарнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

**М. ХОЛМАТОВА.**

# ОМАД ЭПЧИЛНИКИ

**2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили**

*Фарғона шаҳрида ногиронлар, мурувват уйлари, интернатларда тарбияланаётганлар ўртасида спорт мусобақалари бўлиб ўтди.*



*Тадбир аввалида шаҳар прокуратураси томонидан мусобақаларда иштирок этаётган 50 нафардан ортиқ ўқувчига кийим-бошлар, пойабзаллар, спорт инвентарлари совға қилинди.*

*Мусобақалар кескин, муросасиз курашлар остида ўтди. Мини футбол бўйича Ўрмончилар маҳалласидаги ногиронлар мактаби ёш футболчилари ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди. Шахмат бўйича эса Константин Филиповга тенг келадигани топилмади. У мусобақадан фахрий ёрлиқ ва магнитафон билан қайтадиган бўлди. Қизлар ўртасида эса Мурувват уйи тарбияланувчиси Севара Ўролова ғолиб чиқди. Шашка бўйича ўтказилган мусобақада мурувват уйи ўқувчиси Омадой Иброҳимовага омад кулиб боқди. Стол тенниси баҳсларида эса шаҳардаги ногиронлар уйи вакиллари Дилшод Қаҳҳоров ва Малина Тожибоеваларнинг қўли баланд келди.*



*Қатнашчиларнинг барчаси ҳомийлар томонидан совғалар билан сийланди.*

**Н. СОБИРОВ.**

**М. ҚОДИРОВ олган суратлар.**




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ

2007 йилнинг 20 апрелидан бўш ўринларга танлов асосида иштирок этиш учун ҳужжатлар қабул қилишини эълон қилади.

ИҚТИСОДИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ МУТАХАССИСЛАР УЧУН

**Талаблар:** *23-40 ёшлардаги, магистр даражасига, ташқи иқтисодий фаолият бўйича билимга, мутахассислиги бўйича икки йил меҳнат стажига, ўзбек, рус ва инглиз тилларини билувчи, компьютерда ишлаш тажрибасига эга бўлган мутахассислар.*

АХБОРОТ ХИЗМАТИ МУТАХАССИСИ УЧУН

**Талаблар:** *23-40 ёшлардаги, журналистика соҳасида билим ва тажрибага эга ҳамда оммавий ахборот воситаларида иқтисодий йўналишда чоп этилган мақолалари бўлган, мутахассислиги бўйича икки йил меҳнат стажига эга, ўзбек, рус ва инглиз тилларини билувчи, компьютерда ишлаш тажрибасига эга бўлган мутахассислар.*

«ЎЗИНФОИНВЕСТ» АГЕНТЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ УЧУН

**Талаблар:** *23-40 ёшлардаги, олий маълумотли, Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсати доирасида билим ва тажрибага, мутахассислиги бўйича икки йил меҳнат стажига, имиджни яратишдаги касбий маҳоратга эга (имиджмейкинг), бухгалтерия ҳисоботи бўйича билимга эга, ўзбек, рус ва инглиз тилларини билувчи, компьютерда ишлаш тажрибасига эга бўлган мутахассислар.*

Аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент ш., Т.Шевченко к., 1-уй, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг кадрлар бошқармаси (Мўлжал — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қаршисида).

Маълумот учун телефонлар: 138-50-59, 138-50-62, 152-07-07.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Товар сертификатланган

Қўшма UZBARREL PRODUCTION корхона

ПЛАСТМАССА БОЧКАЛАРИ



Қуйидагиларни сақлаш ва ташиш учун мўлжалланган:
*Озиқ-овқат маҳсулотлари: (сут, пасталар, мойлар, ёғлар, спирт),
*Агрессив моддалар: (кислоталар, ишқорлар, бўёқлар, мойлаш материаллари) ва бошқалар.

Европа стандартлари.
Ҳажми 10, 60, 155, 200, 220 литр, тор ва кенг бўғинли.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб шоҳкўчаси,12. Тел./факс: (99871) 152-56-01, 152-74-14.
Сайт: www.uzbp.uz e-mail: uzbp@mail.ru, office@uzbp.uz

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон театр ижодкорлари уюшмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг актёри **Равшан СОЛИҲОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат техника университети жамоаси Атроф муҳит муҳофазаси кафедраси катта ўқитувчиси Индира Аюбовага ўғли **Лазиз АЮБОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси фалсафа кафедраси профессори Хуррам Ҳайдаровга укаси **Чори ҲАЙДАРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 01.10
23456